

2022 й. "31" октябрдаги "BOBIR-AZAMAT-TEMIR" МЧЖ ва Ромитан туман Тиббиёт бирлашмаси билан
48000000 сўм умумий суммасидаги 180 сон шартномага
ТЎЛОВ ЖАДВАЛИ

Боб 054
Шахсий газна ҳисобварак 100022860062427072130054039

(сўмда)

2022 й. ойлар номи	Харажатлар тури			Жами
	7072130054 (42 33 900)	...(*)	...(*)	
Январ				
Феврал				
Март				
Апрел				
Май				
Июн				
Июл				
Август				
Сентябр				
Октябр	48000000			48000000
Ноябр				
Декабр				
Жами йил бўйича	48000000			48000000

Жами 48000000 (кирк саккиз миллион) сўм

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 14400000 сўм ёки шартнома умумий суммасининг 30% 2022 йил октябр ойининг 31-санасигача олдинлан тўланиши лозим.




Раҳбар

М.Ў.


Бош ҳисобчи

Газначилик бўлини маси
ходими қабул қилди

20__ й. «__» _____ (имзо)


(имзо)

Ж.Тохиров


(имзо)

Т.Кандиёров

Бюджетдан маблағ олувчи
ходими қабул қилди

20__ й. «__» _____ (имзо)

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 180

«31» 10. 2022 й.

Ромитан шахри.

" BOBIR-AZAMAT-TEMIR " **МЧЖ**, (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритилувчи ўзининг низоми(низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи рахбари Т.Икромов (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида бир томондан ва Ромитан туман Тиббиёт бирлашмаси (корхона, ташкilot, муассаса номи), кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилувчи, ўзининг низоми(низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи рахбари Ж.Тоҳиров (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома буйича "Пудратчи" «Буюртмачи»нинг буюртмасига ва тузилган лойиҳа смета ҳужжатларига асосан Ромитан туман тиббиёт бирлашмасига карашли "Кокиштувон" КВПни бошқа иншоотларини мукамал таъмирлаш ишларини бажаришни, «Буюртмачи» Ромитан туман тиббиёт бирлашмасига карашли "Кокиштувон" КВПни бошқа иншоотларини мукамал таъмирлаш бўйича бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни ўз вақтида амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Ушбу шартноманинг умумий суммаси ҚҚС билан бирга 48000000 (қирк саккиз миллион) сўмни ташкил этади.

2. ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР

2.1. «Буюртмачи» томонидан тақдим қилинган ҳужжатларга асосан таъмирлаш ишларининг қиймати ҚҚС билан бирга 48000000 (қирк саккиз миллион) сўмни ташкил қилади.

2.2. Таъмирлаш ишларининг бошланиши «31» 10. 2022 йил.

2.3. Таъмирлаш ишларининг тугаши вақти «10» 11.2022 йил.

3. ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ, БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БУЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

3.1. Таъмирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.3. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.

3.2. Шартномадаги 4.1 бандида курсатилган авансни «Пудратчи» олгандан сунг таъмирлаш ишларини бошлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 03 февралдаги 6155-сонли фармониغا асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, коидага кўра, 30 фоиз миқдоридан олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган

3.3. «Буюртмачи» томонидан таъмирлаш ишларини бажариш даврида «Пудратчи»га ўзи томонидан харид қилинган қурилиш материалларини тақдим қилиши мумкин.

3.4. Таъмирлашни тўхтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган ҳар қандай камомад ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.5. Таъмирлашни тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сунг таъмирлаш ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади.

4. ТЎЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

4.1. Ушбу шартноманинг умумий нархи 48000000 (қирк саккиз миллион) сўмни ташкил этади. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини бошлаш учун «Пудратчи»га шартнома нархининг 30 % яъни 14400000 сўм миқдоридан олдиндан тўлайди ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг октябрь ойида амалга оширилади. «Буюртмачи» томонидан яқуний 70% ёки 33600000 сўм тўлов «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилгандан сўнг 30 кун ичида амалга оширилади.

4.2. «Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

4.3. «Пудрат» ташкilotи томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошикча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

5. ПУДРАТЧИНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Шартнома баҳоси 48000000 (қирк саккиз миллион) сўм бўлган таъмирлаш ишларини шартноманинг 2.3 бандида кўрсатилган муддатда ўз вақтида сифатли қилиб топшириш.

5.2. Пудратчи махсус таъмирлаш ишларини бажариш учун махсус ёлланма пудратчи ташкilotларни жалб қилиш ҳукукига эга.

5.3. Ҳар ойнинг 30 санасида жорий ойда бажарилган қурилиш монтаж ишлари тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни «Буюртмачи»га тақдим қилиши шарт.

5.4. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ бажарилган ишлар тугрисида далолатномани тузади.

5.5. Пудратчи Буюртмачидан бажарилган хизмат учун ҳакни шартноманинг 4.1 бандига асосан келишилган вақтда ва миқдорда туланишини талаб қилиш ҳукукига эга.

6. БУЮРТМАЧИНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1 «Буюртмачи» «Пудратчи»дан таъмирлаш ишларини ўз вақтида ҳамда белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан топширишини талаб қилиш ҳукукига эга

6.2 «Буюртмачи» тасдиқланган сметасига мувофиқ бюджетда назарда тутилган маблағ доирасида шартнома

тузади ва шартнома суммасига мувофиқ далолатномани «Пудратчи» билан биргаликда тузади 6.3) «Пудратчи» томонидан шартноманинг 5.5-бандида назарда тутилган муддатларда тақдим қилинган тўлов счёти (хисоб-фактура)ни қабул қилиб олади ва 60 кун ичида қилинган ишлар учун тўловни амалга оширади.

6.4. Сифатсиз хизмат курсатилганда «Буюртмачи» хизматни қабул қилиб олишдан воз кечиши ва камчиликларни бартараф қилиш тўғрисида 3 кун ичида пудратчини хабардор қилади.

7. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

7.1. «Пудратчи» «Буюртмачи» томонидан тақдим қилинган лойиха смета ҳужжатларига асосан қурилишни ўз вақтида лозим даражада бажармаганда ёки сифатсиз қилинганлиги учун ҳар бир кечиктирилган кун учун ушбу ишлар бажарилмаган қисмининг суммасидан 0,4% миқдориди, бироқ бажарилмаган ишлар суммасининг 50% идан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тулайди. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

7.2. Агар бажарилган ишлар сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонунчиликда ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи ишларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, пудратчидан сифати лозим даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима ундириб олишга, агар ишлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати лозим даражада бўлмаган ишлар учун жарима пудратчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

7.3. «Буюртмачи» «пудратчи» томонидан бажарилган ишлар учун тўлов счёти (хисоб фактура) тақдим қилингандан сўнг молиялаштириш шартномада белгиланган вақтда амалга оширилмаса кечиктирилган кун учун тўлов счёти (хисоб фактура) суммасининг 0,4 % миқдориди, бироқ тўлов счёти (хисоб фактура) суммасининг 50% идан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди, бунда Буюртмачига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно.

8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ШАРТЛАРИ.

8.1 Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни тарафлардан бири ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкрий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

8.2 Агар шартнома бўйича бир тараф бошқа тарафнинг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид келадиган ҳатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиш керак: “1008” ишонч телефони, телеграм-канал “@anticorbot” орқали, ёки ҳудудий прокуратура органларига билдириш лозим.

9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ХАМДА ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

9.1 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддаси ҳамда ЎзР Молия Вазирлигининг 2016 йил 22 ноябрдаги 88-сон буйруғи билан тасдиқланган “Бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси Қоидалари”(Адлия вазирлигида 2016 йил 22 декабрда 2850-сон билан рўйхатдан ўтказилди)га асосан шартнома тегишли тартибда ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради ҳамда 31.12.2022 йилгача амалда бўлади.

9.2. Агар қурилиш мазкур шартномада кўрсатилган муддатда пудратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у ҳолда буюртмачига қуйидаги тартибда жарима тўлайди:

- таъмирлаш муддати 30 кунга кечиктирилса, шартнома баҳосидан 10 % миқдориди;

-кейинги 30 кун учун шартнома баҳосидан 15 % миқдориди;

-ундан кейинги муддатлар учун 20 % миқдориди;

Жарима санкцияси буюртмачи томонидан билдирилган ёзма равишдаги даъводан кейин 10 кун муддат мобайнида тўланиши шарт.

9.3 Шартномада курсатилган 4.1. ва 4.2. бандлари бузилса, «Буюртмачи» махсус ҳисоб-рақамидан ҳар бир кечиктирилган кун учун шартноманинг туланмаган нархини 0,2% миқдориди «Пудратчига» пеня тўлайди. Неустойка миқдори шартнома суммасининг 20% дан ошмаслиги керак.

10. БОШҚА ҲОЛАТЛАР.

10.1. Томонлар шартнома мажбуриятлари юзасидан ўзаро ҳамкорлик қилиб турадилар.

11. Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари

«Пудратчи»

" BOBIR-AZAMAT-TEMIR " MCHJ

(ижрочининг номи)

манзили Ромитан тумани Уба МФЙ

тел\факс. 997411144

х\р. 20208000404706257001

Банк номи: АТБ «Микрокредитбанк»

Ромитан филиали

МФО 00110 ИНН 300812129

ОКОНХ

Рахбар: Т.Икромов

(Ф.И.Ш.)

ИМЗО

М.у



«Буюртмачи»

Ромитан туман Тиббиёт бирлашмаси

(бюджет маблағларини олувчи номи)

манзили: Ромитан ш Шифокорлар кучаси 162 уй

тел\факс:

ш\хв 100022860062427072130054039

ОКОНХ ИНН 200976465

Ромитан туман Газначилик булинмаси

ЯГХ: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош

бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

МФО 00014

Газначилик булинмаси СТИРи 201122919

Рахбар:

Ж.Тохиров

(Ф.И.Ш.)

ИМЗО

М.у



Шарнома амалдаги конунчилик асосида туғри тузилган

ХУҚУҚШУНОС:

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг хуқуқшуноси)

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

DN7540326140

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Bobir Azamat Temir MCHJ va Romitan tuman Tibbiyot birlashmasi o'rtasida 2022-yil 31-oktabrdagi 180-sonli 48.000.000 (qirq sakkiz million) so'mlik (Qoqishtuvon QVPni mukammal ta'mirlash) pudrat shartnomasi to'g'risida.**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Romitan tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 31.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Romitan tumani
yuridik markazi
markaz rahbari:**



F.Q.KENJAYEV

31.10.2022